

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!
Хурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа жонқуярлари!

Аввало, сиз, азизларни, ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлаган юртимиздаги барча олижаноб касб эгаларини қутлуг байрам — Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуг айёмда сизларнинг нафақат қишлоқ хўжалиги, балки бутун иқтисодиётимизни юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги улкан хизматларингизни яна бир бор миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Айниқса, бу йил, иқлим ўзгариши билан боғлиқ қийинчиликларга қарамаздан, аграр сектор ривожига сизлар билан бирга туб бурилиш ясашга муваффақ бўлдик.

Пахта, галла ва мева-сабзавот етиштириш бўйича янги навларни экиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобига юқори ҳосилдорликка эришдик.

Бу йил 3 мингдан зиёд миришкор фермерларимиз пахтачиликда ҳосилдорлиқни ўртача 50-60 центнердан, уларнинг 1,5 минг нафари эса 70 центнердан оширганлари, галлачиликда эса 3,5 мингдан ортиқ тажрибали фермерларимиз ўртача 100 центнердан ҳосил олганлари, ҳеч шубҳасиз, ушбу тармоқлар ривожига янги давр бошланаётганидан далолат беради.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида экспорт салоҳиятимиз ортиб бормоқда. Биргина шу йилнинг ўзига мева-сабзавотларимиз етказиб берилган давлатлар сони эса 18 тага кўпайиб, 83 тага етди.

Албатта, ана шундай рақам ва кўрсаткичлар ортида деҳқон ва фермерларимиз,

кластерлар, умуман, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида жонбозлик кўрсатаётган ҳар бир инсоннинг меҳнати, жасорати, фидойилиги мужассам, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу байрам арафасида сизлар билан жорий йилдаги фаолиятимизни атрофлича муҳокама қилиб, агротармоқ вакилларидан 110 нафарига давлатимизнинг юксак мукофотларини топширдик. Ана шундай юксак эътироф билан уларни яна бир бор самимий муборакбод этаман.

Муҳтарам юртдошлар!

Глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги шaroитида халқимизнинг сифатли озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш энг устувор вазифага айланган бугунги кунда барча соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам фақат замонавий билим ва тажриба, инновацион ёндашувлар асосида иш олиб борган тақдирдагина кўзлаган эзгу мақсадларимизга эриша оламиз. Буни деҳқон ва фермерларимиз ҳам чуқур тушуниб етмоқда. Яқинда Самарқанд, Жиззах ва Сирдарёда соҳада бўлаётган ўзгаришлар билан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Шу маънода, қишлоқ хўжалиги соҳасида Янги Ўзбекистоннинг стратегик йўлини амалга оширишда мен аввало сизларга, агротармоқда фаолият кўрсатаётган 3,5 миллион нафардан ортиқ юртдошларимизга таянаман. Сизлар учун яна қандай шароит ва имкониятлар яратиш керак бўлса, барчасини таъминлаб беришга тайёрман.

Чунки қишлоқ хўжалигининг тақдир ва келажаги — бу бутун мамлакатимизнинг тақдир ва келажагидир.

Шу мақсадда, келгуси йилдан бошлаб, қўшимча равишда пахта ҳосиллигининг 50 фоизини ўз ҳисобидан етиштирган фермерларга 5 фоиз субсидия, шунингдек,

солиқ, лизинг ва кредитдан қарзи бўлмаган фермерларга эса имтиёзли кредит 2 фоизгача пасайтирилган ставкада берилади.

Қишлоқ хўжалигида субсидияларни бошқариш бўйича янги тизим жорий этилиб, 6 та вазирлик томонидан бериб келинган 53 турдаги субсидиялар энди фақат Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан амалга оширилади. Бунда субсидияларни ажратишдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар олиб ташланади ҳамда фермер ва деҳқонлар субсидияларни олиш учун фақат электрон платформа орқали муурожаат қилади.

Яна бир имконият — қишлоқ хўжалигида ҳосилни суғурталаш бўйича янги тизимни йўлга қўямиз. Энди қишлоқ хўжалигида ҳам фақат замонавий билим ва тажриба, инновацион ёндашувлар асосида иш олиб борган тақдирдагина кўзлаган эзгу мақсадларимизга эриша оламиз. Буни деҳқон ва фермерларимиз ҳам чуқур тушуниб етмоқда. Яқинда Самарқанд, Жиззах ва Сирдарёда соҳада бўлаётган ўзгаришлар билан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Шу маънода, қишлоқ хўжалиги соҳасида Янги Ўзбекистоннинг стратегик йўлини амалга оширишда мен аввало сизларга, агротармоқда фаолият кўрсатаётган 3,5 миллион нафардан ортиқ юртдошларимизга таянаман. Сизлар учун яна қандай шароит ва имкониятлар яратиш керак бўлса, барчасини таъминлаб беришга тайёрман.

Чунки қишлоқ хўжалигининг тақдир ва келажаги — бу бутун мамлакатимизнинг тақдир ва келажагидир.

Шу мақсадда, келгуси йилдан бошлаб, қўшимча равишда пахта ҳосиллигининг 50 фоизини ўз ҳисобидан етиштирган фермерларга 5 фоиз субсидия, шунингдек,

Бундан буён балиқчиликда наслини янгилаш, натижадорликни ошириш ва шаффофликни таъминлаш учун янги ривожлантириш дастурини қабул қиламиз. Бунда “карп” ҳамда “совуқ сув” балиқлари наслчилигини йўлга қўйиш бўйича венгриялик ва норвегиялик ҳамкорларимиз билан ишларни бошлаймиз.

Четдан наслдор балиқни олиб келиш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилади.

Балиқ хўжаликлари инкубация, лаборатория, ёпиқ сув айланма тизимларини импорт қилишда божхона божидан озод этилади. Интенсив балиқчиликни йўлга қўйган хўжаликлар учун ер ва мол-мулк солиқлари 2 баробар камайтирилади.

Қишлоқ хўжалигидаги салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш мақсадида “илм-фан — таълим — ишлаб чиқариш” интеграциясини таъминлайдиган Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси ташкил этилади.

Ана шундай кенг қўламли вазифаларни муваффақиятли адо этишда сиз, азизлар фаол иштирок этасиз ва соҳа ривожини янги босқичга кўтаришга муносиб ҳисса қўшасиз деб ишонаман.

Сизларни бугунги қутлуг байрам билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жорий йилда эришган улкан ютуқ ва зафарларингиз бардавом бўлсин!

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЛМ-ФАН, ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИЛҒОР КАШФИЁТЛАР МАРКАЗИ



Бугунги янги Ўзбекистонда рўй бераётган улкан янгиланишлар, жамиятда кечаётган фалсафий ва мафкуравий ўзгаришлар халқаро доирада ҳам эътироф этилмоқда. Покистонлик таниқли журналист ва ёзувчи Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли китоби мамлакатимиз интеллектуал ҳаётида яна бир муҳим воқеа бўлди дейишга асослар етарли. Асарда муаллиф ўз кузатувлари, таҳлиллари ва шахсий мулоҳазаларини жонли тасвирлар билан уйғунлаштириб, Ўзбекистонда шаклланаётган Учинчи Ренессанснинг халқаро жамоатчилиқка кенг намоён этади.


Китоб Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш гоёси — инсон қадр-қиммати, илм-фан, таълим, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва тараққиётга қаратилган буюк ўзгаришлар жараёнининг ўзига хос бадий талқини сифатида биз учун жуда қадрлидир. Муаллиф бу гоёнинг

тарихий илдизларини, бугунги ифодасини ва келажакка қаратилган стратегик йўналишларини ижодий услубда ёритиб, янги Ўзбекистондаги кенг қамровли ислохотлар моҳиятини ўқувчиларга содда ва таъсирчан тарзда етказишни мақсад қилган.

► Давоми 2-бетда

СУРХОНЛИК АЁЛЛАР КИЧИК БИЗНЕС БИЛАН КАТТА МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛЯПТИ

Жарқўрғон туманидаги Бўстон маҳалласида аёллар бандлиги масаласига оқилона ечим топилди. Худудда ноанъанавий фаолият турларини кўпайтириш билан янги иш ўринларини очишга эътибор қаратиляпти. Масалан, Бўрихол Раҳмонқулова туячилик билан шуғуллана бошлади. Бу орқали ўзи ва оила аъзоларининг иш билан бандлигини таъминлади.



Хозир туялари сони 10 бошга етди. Туячилик кони фойда тармок бўлиб, бир кунда 10 литр сут согиб олинади. Бир йилда бу кўрсаткич 3650 литрга етади. Туя сутининг ҳар бир литри ички бозорда 50 минг сўмдан нархланган. Оилага ўрта ҳисобда бир кунда 500 минг сўм даромад киради. Энди бу рақамни бир йилга кўпайтирсак, 182 миллион 500 минг сўмни ташкил қилади. Демак, оиланing ойлик даромади 15 миллион сўмдан зиёд.

— Сувсизлик ва очликка бардошли бу жониворлар касалликларга ҳам жуда чидамли. Озуқа танламайди. Ҳар қандай шароитда яшаб кетаверади. Туя ҳайбатли

кўрингани билан жуда ювош ва беозор, — дейди Бўрихол Раҳмонқулова. — Уларга қанча меҳр берсангиз, шунча сизга тез ўрганади.

Кўштепалик Насиба Норғучева қаровсиз чорвачилик фермасининг ёнидан ҳар ўтиб қайтганида доим: “Шу бионини ишлатса бўлмасмикан?” деб ўйларди. Қизиқиб кўрган эди, эпласа бўларкан. Бу ерда қорамолчиликни йўлга қўйди. Эътиборлиси, уддабурон аёл маҳалладаги ишсиз хотин-қизларнинг уй шароитида даромад топиши учун махсус тадбиркорлик курсини очди.

► Давоми 2-бетда

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” МОДЕЛИ — НОЁБ ТАЖРИБА БУ ТИЗИМ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

Пойтахтимизда Марказий Осиёда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Қирғизистондаги Тараққиёт ислохотлари институти ҳамкорлигида ташкил этилган форумда минтақа мамлакатларининг тегишли давлат, нодавлат тужилмалари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Марказий Осиё мамлакатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш амалиётини таҳлил этиш, доимий мулоқот платформасини шакллантириш, интеграцияни кучайтириш, инвестиция жалб этиш ва маҳаллий иқтисодиётни қўлаб-қувватлашга қаратилган барқарор ривожланиш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистонда шаклланган “маҳалла еттилиги” моделининг илғор тажрибасини ўрганиш мақсадида ўтказилган форумда таъкидланганидек, тарихи, дини, маданият ва анъаналари уйғун минтақамизда мазкур йўналишда ҳам ўзига хос қадрият ва урф-одатлар шаклланган ва бу жараён изчил ривожланмоқда.

► Давоми 2-бетда



**Инсон қадри учун**

**ҲАЁТИМИЗДА
АКСЛАНАЁТГАН НУР**



Президентимиз раислигида шу йил 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу йўналишда эришилган ютуқлар ва ўтган даврда йўл қўйилган камчилик ва хатолар танқидий таҳлил қилинди. Шунингдек, келгуси йилдаги устувор вазифалар белгиланди.

Ўтган даврда бу йўналишдаги ишлар қуйидан бошлаб тўғри ташкил этилгани ҳисобига салмоқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, жорий йил бошидан ишсизлик 4,9 фоизга тушди. Йил якунигача камбағаллик даражаси 6 фоизгача камайиши кутилмоқда. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Аҳолини тадбиркорлик

фаолиятига кенг жалб қилиш, ёшларни бозорда талаб юқори касб-хунарлар ҳамда чет тилларга ўқитиш билан бирга, энг қуий бўғинда ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги оширилиши ҳам бу каби натижаларга замин яратмоқда.

► Давоми 3-бетда

Нуктаи назар

Янги Ўзбекистон: ИLM-фан, инновацион технологиялар ва Илғор кашфиётлар маркази



Сардор РАЖАБОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда


Покистон Бош вазири Муҳаммад Шахбоз Шарифнинг китобга сўзбоши ёзгани эса Президентимиз гоёларига халқроқ даражадаги эътибор ва юксак ҳурматнинг ақлоқ ифодасидир. Шунинг ўзи Учинчи Ренессанс концепцияси нафақат миллий, балки минтақавий ва глобал миқёсда ҳам долзарб ва илҳом манбаи сифатида қабул қилинаётганини кўрсатади.

Асардаги ҳар бир боб Учинчи Ренессанс ғоясининг илмий-маърифий асосларини янада очиб беради. Жумладан, “Юксак билим ва буюк кашфиётлар бешиги” боби алоҳида эътиборга лойиқ.

Мазкур бобдан иқтибос келтираимиз: “Мавзуни ўрганиш давомида жаноб Шавкат Мирзиёев айтган куйидаги сўзларнинг ҳақиқий моҳияти мен учун янада ойдинлашди: “Биринчи Ренессанс даврида Ўзбекистон заминиди илм-фан соҳасида дунёга машҳур буюк алломалар, хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа олимлар, ушлаб даҳолар ўзларининг жаҳон миқёсидаги илмий ютуқ ва кашфиётлари билан инсоният ривожига улкан ҳисса қўшган”.

Бу сўзлар нафақат давлат раҳбарининг сиёсий позициясини, балки мамлакат келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур англашини ҳам билдиради. Юқорида номи тилга олинган буюк мутафаккирлар ва олимлар мероси, илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси заминимизда азалидан юксак илм, бунёдкор тафаккур руҳи ҳукм сурганини яна бир бор тасдиқлайди.

Қадим Ўзбекистон ҳудудиди шаклланган буюк тамаддун ўзидан нафақат улугвор меъморий ёдгорликлар қолдирди, балки илмий гоёлар ва кашфиётлар орқали Биринчи Ренессанс пойдевориини барпо этди. Ҳақиқат



шундаки: саройлар вайрон бўлиши, олтинлар талон-тарож қилиниши мумкин, аммо гоёлар ва илмий кашфиётлар барҳаётдир.

Математика, астрономия, геология, тиббиёт, фалсафа, маънавий асослари — буларнинг барчаси Европа Уйғониш давридан анча олдин ҳозирги Ўзбекистон заминиди гуллаб-яшнаган, ривож топган эди. Эҳтимол, бугун алгебрани ўрганаётган, космик технологиялар яратётган ёки сунъий интеллектни ривожлантиратган инсонлар ушбу фанлар минг йиллар аввал бу заминда яшаган фозил олимларнинг улкан ҳиссаси туфайли юзга келганини билмаслиги мумкин, бироқ ўтмиш алломалари асарлари инсон тафаккурининг беқиёс қудратини, ҳақиқатга мангу интилишни эслатиб турибди. Уларнинг илмий мероси ҳануз дунё олимларига илҳом, янги кашфиётлар учун руҳий куч ва илмий йўналиш бериб хизмат қилмоқда.

Муҳаммад Аббос Хон “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” китобида Биринчи ва Иккинчи Шарқ Уйғониш даврининг буюк кашфиётлари ва ажойиботлари ҳақида сўзларкан, Хоразм ва Бухорода, Самарқанд ва Фарғонада маърифат ўчоқлари қандай алангалангани, сўз, тафаккур ва рақамлар илм-фан, фалсафа ва санъатнинг яхлит, ёрқин манзарасида мукжасам бўлаганини ҳикоя қилади. “Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Имом Бухорий, Улугбек, Алишер Навоий... каби табаррук номларни унутиб бўларканми?!” деб хитоб қилади. У қадимий қўлёзмаларни чуқур ўргангани сари бу олтин давр ўзиди очиқ маълумотлардан кўра сирларни кўпроқ яширганини англаганини таъкидлайди.

XV асрда астроном Улугбек Самарқандда ерга ўйиб ўрнатилган улкан секстантнинг бино — расадхона қурдириди. Улугбекнинг юлдузли осмон жадваллари Европаникига қараганда аниқроқ бўлиб, улардан 200 йил аввал тузилган. Қандай қилиб у телескопсиз бундай аниқлик билан ҳисоб-китоб қилишга

эришган? Бу сир ҳали-ҳамон илм-фан тарихчиларини ҳайратта солмоқда.

Муаллиф тарихий ривоятлар ва буюк муҳандислик мероси ҳақида сўз юритар экан, бир муҳим хулосага келади: Шарқ Уйғониш давридан қолган қўлёзмалардаги сирлар ҳалигача тўла очилмаган.

Тошкент ва Бухорода сақланаётган манбаларда Леонардо да Винчидан уч аср аввал яратилган, Европа Уйғониши ихтироларига ўхшаш машина ва механизмлар ҳақида батафсил маълумотлар бор. Бу — ўша даврда Маъмур ислом академиясида фаолият юритган муҳандис ва олимлар томонидан ўлканинг илмий тафаккурда қандай даражадаги интеллектуал салоҳият шаклланиганини кўрсатади.

“Мураккаб механик қурилмалар ҳақида билимлар китоби”да эса сув соатлари, автомат қурилмалар, қўзғаткичлар қиз ва най чалаётган мусиқчи каби дастурланган механизмлар таърифи келтирилган. Улар тарихдаги биринчи роботлар сифатида баҳоланади. Бу асарда 100 га яқин ихтиро аниқ тавсифланган бўлиб, қўллаб механизмлар ҳаракати махсус элементларни қайта сошлаш орқали дастурлиниши мумкин бўлган.

Муаллиф айни шу фактларга таянади ва савол қўяди: нима учун бу қўлёзмалар ҳалигача чуқур ўрганилмади, таржималар тўлиқ амалга оширилмади ва жаҳон илмий меросининг ажралмас қисмига айланмади?

Унингча, Шарқ Уйғониш даври бу цивилизация руҳининг юксалиши, янгиликдан кўркмаслик, илмга интилиш ва абдийлик билан мулоқот қилишга уринишни ифода этувчи даврдир. У мавҳум сирлар, ҳали очилмаган ентиб бўлмас жумбоқлар билан тўла бўлган.

вазифаларни бажармоқда. Натижада маҳалларни ишсизлик, жиноятчилик, камбағаллик ва оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантириш борасида ўзига хос ютуқларга эришилаётди. Маҳалланинг аҳолига ижтимоий кўмак бериш борасидаги ваколати ҳам кенгайди. “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилаларга, шунингдек, ижтимоий дафтларларда қайд этилган аҳолига ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш “маҳалла еттилиги”нинг биргаллиқдаги қарори асосида амалга оширилатти.

Шу билан бирга, маҳалла институти замонавий технологиялар билан бийитилмоқда. “Рақамли маҳалла” бу борадаги энг муҳим лойиҳалардан биридир. Ушбу платформа аҳоли даромадини ошириш, ишсизлик, камбағалликдан чиқариш, жиноятчилик, оилавий ажралиш каби муам-

моларни ҳал қилишга қаратилган комплекс ёндашувини тақдим этмоқда. Шунингдек, аҳоли “еттилик”га мобил илова ёрдамида тўғридан тўғри мувожабат қилиш, тақлиф ва шикоятларни электрон тарзда юбориш имконига эга бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат — маҳалладаги истиқболли лойиҳаларни ривожлантиришда аҳоли фикрини инобат олиш учун онлайн овоз бериш тизими йўлга қўйилди. “Ташаббуси бюджет”, “Менинг йўлим” лойиҳалари маҳалла аҳолисининг жамият ҳаётида фаол қатнашиши ва қарорларда иштирок этишини таъминламоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла жамият кўзгуси, халққа энг яқин ижтимоий тузилма сифатида нафақат жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, балки ислохотларнинг асосий таянчига айланмоқда. Шу боис, ўзини ўзи бошқаришнинг бундай ноёб тажрибаси минтақа мамлакатлари ва жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Форумда минтақамиз халқларининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасида шаклланган ана шундай ўзига хос тузилмалари ва уларнинг бугунги кундаги фаолияти, эришаётган натижалари хусусида фикр алмашилди.

Экспертлар фикрича, минтақадаги аънавий маҳаллий ўзини ўзи бошқариш шакллари сўнгги 30 йил давомида дунё тажрибаси билан бойиди, лекин миллий ва минтақавий ўзига хослигини сақлаб

қолди. Эндиликда ушбу тузилмалар фаолияти муваффақиятли давом этиши учун маҳалла жамоатчилигининг умид ва эҳтиёжларига жавоб бериши, ташқи таҳдидларга муносабат билдириш хусусиятини кенг намоён этиши зарур. Шу билан бирга, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари минтақа мамлакатлари ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Айни пайтда бу йўналишда муайян ишлар қилинмоқда. Эндиликда бу борадаги лойиҳаларни кенгайтириш, амалий

ишларни янги босқичга кўтариш кун тартибидидаги муҳим вазифадир. Мазкур форум ана шу вазифаларни амалга ошириш, минтақамиз бўйича тўпланган тажрибаларни умумлаштириш, шунингдек, бугунги даврнинг муҳим қаҳриқларини инобатга олган ҳолда маҳаллий бошқаруви ривожлантиришнинг келгуси йўналишларини белгилашда муҳим платформа яратишда.

Форумда Марказий Осиё маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий ривожланиш кенгашиини ташкил этиш юзасидан фикрлашилди ва ушбу кенгашии шакллантириш учун ишчи ғуруҳ тузилди. Бундан кўзланган мақсад Марказий Осиё мамлакатларида миллий ривожланишнинг умумий масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришда барқарор платформа яратишдир.

Икки кунлик форум доирасида иштирокчилар учун пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди. Шунингдек, меҳмонлар маҳаллаларга ташриф асносида “маҳалла еттилиги” фаолияти билан яқиндан танишди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Минтақавий форум

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, Ўзбекистонда шаклланган уч минг йиллик тарихга эга, дунёда ўхшаши бўлмаган ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси — маҳалла институти асрлар давомида халқимиз ҳаётининг мазмунини англайтибгина қолмай, қадриятлар, инсоний муносабатлар, орзу ва мақсадлар асоси бўлиб келган.

Дарҳақиқат, маҳалла доирасида ўзаро ёрдам, меҳр-шафқат, ижтимоий масъулият ва яхши қўшничилик каби фундаментал таомиллар вужудга келиб, ривожланибди. Шу боис, ушбу бебаҳо қадриятимизни асраш



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” МОДЕЛИ — НОЁБ ТАЖРИБА

БУ ТИЗИМ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚИЗИҚИШ УЙЎТМОҚДА

ва келажак авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бугунги кунда маҳалла тизими жамиятимизда кенаяётган ислохотларнинг ҳал қилувчи бугунига айланди. Маҳаллага қўшимча куч ва имкониятлар тақдим этилипти, ваколат ҳам, масъулият ҳам кўйи тизимга туширилмоқда. Ҳар қандай масала маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш маҳалла даражасигача кириб бори.

Камбағаллиқни қисқартириш, бандликка кўмаклашиш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг

олдини олишда маҳалла катта куч сифатида майдонга чиқмоқда. Маҳалла ҳар бир оила, ҳар бир инсон муаммоси, дарду ташвишига чуқур кириб бора оладиган халқчилик тузилма сифатида янада фаоллашди.

Президентимизнинг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда

бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу халқчил тузилма фаолиятини янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Ушбу ҳужжат асосида Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида ўзига хос ноёб тузилма — “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда “маҳалла еттилиги” аҳолининг ҳаёт тарзи, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган мақоласи юрагимда уйғонган фикрларим ва мустахкамланиб бораётган ишончимнинг ёзма тасдиғи бўлди. Бу янги даврга қадам қўйган мамлакатимизнинг буюк ва олижаноб даъватидир.



Қонақбой ТУРДИБОЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Қорақалпоғистон қадимдан ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман ва бошқа миллат вакиллари тотувлик ва бағрикенгликда яшаб келаятган диёр. Бу ерда меҳр-оқибат, тил бирлик ва бир мушт бўлиб иш тутиш анъаналари даврлар оша давом этиб келмоқда.

Шу боис, Президентимиз Қорақалпоғистонга ҳар таширфида дили очиқ қорақалпоқ халқининг фазилатларини таърифлаб, доим “ОФИЗБИРЧИЛИК” иборасидан фойдаланади. Бу сўз қорақалпоқ элининг самимий меҳмондўстлиги, очиқ юзли ва топганини дўстлар билан бўлишишга тайёрлигини ифодалайди.



“**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАҚОЛАСИДА ТИЛГА ОЛИНГАН ТУРКМАНИСТОН БИЛАН АМУДАРЁ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВ БУТУНГИ МУРАККАБ ГЕОСИЁСІЙ ШАРОИТДА ЖУДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА СТРАТЕГИК ҚАДАМДИР. АМУДАРЁ НАФАҚАТ ИККАЛА ДАВЛАТНИ, БАЛКИ БУТУН МИНТАҚАНИНГ ҲАЁТ МАНБАИ ҲИСОБЛАНАДИ. УНДАН АДОЛАТЛИ ВА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДАГИ КЕЛИШУВ ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАК ҲАҚИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛИ ВА УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ҚАРОРИ БЎЛДИ.**

Қорақалпоғистоннинг Қозоғистон билан чегарадош Тахтақўпир туманида туғилиб улғайганман. Бу диёр икки қардош халқни бирлаштириб турувчи ҳақиқий кўприқдир. Худудда халқларимиз азалдан “овули аралаш, қўйи қўрадош” бўлиб, бағрикенглик ва тотувликда яшаб келадди. Мен ҳам ана шу бирлик, дўстлик ва ўзаро ҳурмат руҳида тарбияланиб, ҳаёт йўлимин шу қадриятлар асосида шакллантирдим.

Илм йўлига кирганимдан бери қарийб 30 йилдан ортиқ вақт давомида Қорақалпоқ давлат университетида фаолият юритиб келаяман. Ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман миллати вакилларида кўплаб шоғирдларни тарбиялаб еттиштирялман.

Халқлар бирлиги, дўстлик ва бағрикенглик энг катта бойлигимиз. Тилимиздаги ўхшашлик, дилимиздаги яқинлик ва минглаб

йиллардан буён қардошлигимизга гувоҳлик бериб келаятган бой фольклоримиз бизнинг энг катта руҳий қудратимиздир.

“**Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг бахшичилик санъати ана шу қудратнинг юксак кўриниши бўлиб, икки миллатни бирлаштириб турувчи буюк маънавий меросдир. Ҳар икки халқнинг эпик анъаналари, дostonчилик мактаби, қаҳрамонлик эпослари ва авлоддан авлодга ўтиб келаятган халқ анъаналари бир-бирига чамбарчас боғланган. Улар асрлар давомида умумий руҳият манбаи, мафкуравий таянч ва бирдамлик тимсоли сифатида яшаб келмоқда.**

Шу қадриятлар нафақат халқимиз қалбида, балки жаҳон миқёсида ҳам муносиб эътироф этилди. Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари бахшичилик санъати ЮНЕСКОнинг Но-моддий маданий мерос рўйхатида киритилди. Бу қардош халқларимизнинг юксак маданий бирлигига берилган халқро баҳо, келажак авлод учун ҳам гурур манбаидир.

Бахшилар куйлаган Ватан мадҳи, олижаноблик ва жасорат сингари қадриятлар бутун ҳам халқларимизни бирлаштириб, келажак авлодга маънавий йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз белгилаб берган улкан мақсад ва устувор вазифаларга содиқ ҳолда Қорақалпоғистонда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари авжида. Айниқса, давлатимиз раҳбари Оролбўйини йиллар давомида қийнаб келаятган экологик фожеяга барҳам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу муаммо ечимини бутун мамлакатнинг стратегик вазифаси сифатида белгилаб берди.

Президентимизнинг “Бизнинг олий ва эзгу мақсадимиз — биргаликдаги фидокорона меҳнатимиз билан янги Ўзбекистон таркибида янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир”, деган даъвати Қорақалпоғистон аҳолини янги марралар сари қоралади. Ҳар биримизда Ватанга хизмат қилиш масъулияти ва фахрини янада оширади.

Президентимиз мақоласида тилга олинган Туркменистон билан Амударё сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича эришилган келишув бутунги мураккаб геосиёсий шaroитда жуда катта аҳамиятга эга стратегик қадамдир. Амударё нафақат иккала давлатни, балки бутун минтақанинг ҳаёт манбаи ҳисобланади. Ундан адолатли ва оқилона фойдаланиш ҳақидаги келишув икки қардош халқнинг келажак ҳақидаги масъулиятли ва узоқни кўзлаган қарори бўлди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу келишув сув ресурсларини биргаликда бошқариш маданиятини янги босқичга олиб чиқади. Экологик муаммолар хавфини камайтиради. Оролбўйи каби экология оғир ҳудудлар учун умид нурини кучайтиради. Суви адолатли тақсимлаш ва умумий манфаатни устувор қўйиш том маънода янги ҳамкорлик руҳининг шаклланиши демакдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, бундай лойиҳалар аҳолининг иқтисодий фаолигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва, энг муҳими, минтақанинг энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар очади.

Шу боис, ушбу келишувни фақат иқтисодий ёки экологик эмас, балки сиёсий маданиятнинг юксалиши, қўшни халқлар ўртасидаги ишонч ва дўстликнинг мустаҳкамланиши деб баҳолаш мумкин. Бу янги давр ҳамкорлигининг ёрқин намунаси, янги Ўзбекистон ташаббусларининг амалдаги самараси ва келажак авлодлар учун мустаҳкам пойдевордир.

Қорақалпоғистон узоқ келажакда ҳам ўзбек ва қорақалпоқ маданиятларининг уйғунлашган маскани бўлиб қолади. Чунки биз олимларнинг маданий алоқаларини, уйғунлигини ўрганишга бағишлаган ижодий ишмизнинг асоси “аҳиллик” тамойилидир. Яъни ҳақдош бўлиб ишлаш, доимий мулоқотда бўлиш, бир ёқадан бош чиқариб иш қўриш. Айнан шундай инсоний муносабатлар тўғрйли оғирлигимизда дўстлик ва ҳамжиҳатлик тобора мустаҳкамланмоқда.

Умид қиламизки, биз ҳам халқларимизнинг дўстлик ва садоқатга асосланган муносабатларини янада мустаҳкамлаб, келажак авлодга “ОФИЗБИРЧИЛИК” деган мерос қолдираимиз!

ДАВР НАФАСИ

2025 йил 14 декабрь, 259-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

Муносабат

ОФИЗБИРЧИЛИК
МАРКАЗИЙ ОСИЁГА
ЯНГИЧА ҚУВВАТ БЕРДИ

3

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

Инсон қадри учун

ҲАЁТИМИЗДА АКСЛАНАЁТГАН НУР

Бешилган натижаларнинг мунтазамлигини сақлаш амалиёти ҳам олиб борилади. Боиси, ўтган давр мобайнида камбағалликни қисқартириш борасидаги янгиланишлар, эришилган натижаларнинг мунтазамлигини сақлаш амалиёти ҳам олиб борилади.

Боиси, ўтган давр мобайнида камбағалликни қисқартириш борасидаги янгиланишлар, эришилган натижаларнинг мунтазамлигини сақлаш амалиёти ҳам олиб борилади. Боиси, ўтган давр мобайнида камбағалликни қисқартириш борасидаги янгиланишлар, эришилган натижаларнинг мунтазамлигини сақлаш амалиёти ҳам олиб борилади.

амалиётга жорий этилган лойиҳалар ҳисобига катта таърибга ортирилди ва шунга мос юқори натижаларга эришилди. Жумладан, ижтимоий ҳимоя соҳаси бутунлай янги



МОДДИЙ ЁРДАМ КЎНГЛИМИЗГА ИЛИҚЛИК ОЛИБ КИРДИ

Газ, электр энергияси, сув билан таъминланганмиз. Авваллари электр энергияси таъминотида қунийлик узилишлар кузатишган бўлса, газ ва сув ҳафталаб бўлмай қоларди. Ҳозир бу муаммоларни ёшларга айтсанг, эртак деб ўйлаши эҳтимолдан йироқ эмас.

Яқинда маҳалламизнинг ижтимоий ҳодими келиб, биз билан суҳбатлашди. Президентимизнинг биз каби “қўли калта” одамларнинг қиш-қировли кунларда қийиналмаслигини ўйлаб қабул қилган қарори билан таништирди, аҳамиятини тушуинтирди. Орадан кўп ўтмай 1 миллион сўм моддий ёрдам берилди. Роса хурсанд бўлдим. Тўғри, бугун кўпчилик юртдошларимиз учун бу катта пул бўлмаслиги мумкин.

Ахир қўндан кун аксариятимизнинг даромадимиз кўпайиб, турмушимиз яхшиланиб борапти. Лекин бизники каби ҳар сўми ҳисобли рўзгор учун 1 миллион сўм катта имконият. Шукр, шукронаси бўлган одамларга, элга худди шундай барака ёғилвераркан-да. Кутмагандим. Нафақа пулимиз ўз вақтида уйимизга келтириб берилади. Давлатимиз ҳолимиздан доим хабардор бўлиб туради. Бу ёрдам хонадонимизга қўшиб кўнглимизга ҳам илиқлик, нур олиб кирди.

Зеби БОЙНАЗАРОВА,
Сурхондарё вилояти
Денов тумани



ЁЛҒИЗ ЭМАСЛИГИМНИ БИЛИШ ҲИССИ МЕНГА КУЧ БАҒИШЛАЙДИ

Турмуш ўртоғим билан асосан, ногиронлик нафақаси ҳисобига яшаймиз. Ҳамма қатори ишлаш, яшашга иштиёқнинг бўлгани билан соғлиғинг сабаб имконинг бўлмаса, чорасиз қоларкансан. Бундай пайтда сенга узатилган ҳар бир ёрдам қўли, катта ёки кичиклигидан қатъи назар, жуда муҳим бўлади. Шу маънода, бизга ёрдам ажратилгани ҳақидаги хабарни эшитганимда кўзимга ёш келди. Бу маблағни электр энергияси учун тўлов ва дори-дармонга сарфлаймиз. Бир миллион сўм катта маблағ эмасдек туюлиши мумкин, аммо оғир пайтда бизга бу чин маънода эътиборда эканимизни аңглатади. Шунинг учун ўзимизни муаммоларимиз олдида ёлғиз сезмаймиз.

Кўз-қўш мавсуми биз учун ҳар йили оғир кечади. Нафақани тежаб, ейиш-ичиш, кийим-кечак, барчасига етказишга тўғри келади. Харажатларга нафақа етмагач, зарурат бўлса баъзан ейишдан, баъзида кийишдан иқтисод қиламиз.

Моддий ёрдамин олгач, давлат ёнимизда эканини ҳис қилдик. 2 фарзандим бор, қишда иш қамаяди, иш бўлмагач, даромад ҳам анча пасайиб кетади. Шу ёрдам ҳисобига кўйим сотиб олдик, қолганини электр энергияси тўловиغا сарфладик. Бу йил қиш кунлари хонадонимиз чарогон ва иссиқ бўлади.

Гулчеҳра ҲИДОЯТОВА,
Навоий вилояти Қармана тумани

ЯРМИНИ ЭЛЕКТРГА, ЯРМИНИ ГАЗГА ТЎЛАДИМ

Қиш ойларида нафақамнинг асосий қисmini электр энергияси ва газ тўловига сарфлардим. Яшириб нима қилдим, одам кекайгани сари киймак ва емак учун харажатлари қамайгани билан моддийат билан боғлиқлиги узилмади. Қарилганим ҳам ўзига яраша харажатлари бор. Шу боис, бу йилги қиш ташвиши мени ўйлантараётган. Давлатимизга раҳмат, табиий газ учун ижтимоий норма миқдори оширилди.

Бундан ташқари, “маҳалла еттичилиги” томонидан оиламиз шароити ўрганилди. Масъулар 2025-2026 йилги куз-қиш мавсумида аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўшимча моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 миллион сўмдан бир маргалик моддий ёрдам ажратилаётгани борасида маълумот бериб, оиламни ҳам ушбу рўйхатга киритди. Кўп ўтмай маҳалламиз ижтимоий ҳодими телефон қилиб, бир миллион сўм моддий ёрдам пулини олишимни тайинлади.

Эртасига пулни олиб, 500 минг сўмини электр, қолган ярмини газга олдиндан тўлов қилдим. Бу ёрдам биз учун нафақат пул, балки меҳр, ғамхўрлик, ишонч рамзи. Чунки бу ёрдам бор-йўғи ёрдам эмас, доимо давлат ҳимоясида эканимизни ҳис қилиш туйғусини шакллантирган ишонч кўприғи бўлди. Совуқ қиш фаслида давлатнинг бизга чексиз меҳри қалбларимизни иситмоқда.

Инсон манфаатини биринчи ўринга қўйиш янги Ўзбекистонимизнинг асосий тамойили эканини бутун ўз ҳаётимда ҳис қилиб турибман. Бир миллион сўмлик моддий қўллаб-қувватлаш давлат ғамхўрлигининг бир мисоли, холос. Ҳар жабҳада давлатимизнинг таянч бўлиб турганини ҳис қиламан.

Анорбой ҚЎЧҚОРОВ,
Жиззах вилояти Дўстлик тумани

УЙЛАР ИССИҚ, ХАВОТИРГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

Тўрт фарзандим жуда ёш бўлгани боис, ҳаво ҳарорати пасая бошлаганида коммунал тўловларни тўлай олармиканман, деган хавотир кучаяди. Бизга куз-қиш мавсуми учун бир миллион сўмлик моддий ёрдам пули берилди. Бундан жуда хурсанд бўлдик. Энди хавотирга ўрин қолмади.

Масъулар ёрдам пулини топширар экан, бу миқдор нега айнан 1 миллион этиб белгиланганини тушуинтирди. Айтишча, 2024-2025 йил иситиш мавсумида битта оила ўртача 254 киловатт электр ва 514 куб табиий газ истеъмол қилган. Тарифларнинг ошishi натижасида уларнинг харажати тахминан 815 минг сўмга ортади. Қўлимдаги маблағ эса буни тўлиқ қоплар экан.

Шунингдек, масъулар маблағни қандай фойдаланганда ҳам миннатдорман. Қишнинг ҳар бир куни, ҳар дақиқаси синов. Ушбу давр олдиндан давлатимизнинг ғамхўрлигини янада кўпроқ ҳис қиламан.

Муборакхон ИБРОҲИМОВА,
Фарғона вилояти
Қувасой шаҳри

ҲАР БИР ОИЛАГА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Қиш Қорақалпоғистонда нисбатан совуқ бўлади. Изгирин кунларда иссиқлик таъминотида муҳтожлик сезилади. Айниқса, жамийи имконияти чекланган биз каби инсонлар оиласи коммунал тўловларини тўлашга қийналиб қоламиз.

Бу ёрдам оиламиз учун катта мадад бўлди. Ушбу маблағни электр энергияси ва табиий газ учун тўловларга сарфлашни режалаштирдик. Ўтган йили коммунал тўловларда озгина қийналгандик. Кези келганда айтиб ўтай, авваллари биргина нафақа олиш учун қанча сарсон бўлардик. Қанча идораларга кириб чиқишга мажбур эдик. Бугун буларнинг барчасига барҳам берилди.

Айниқса, маҳаллага ижтимоий ҳодим бириктирилиши биз каби имконияти чекланганларга қўлайлик туғдириди. Бунинг учун доим дуоамиз. Ҳар доим мутасаддилар аҳолиимиздан хабардор бўлиб турибди. Керакли ёрдамин аягани йўқ.

Бу йил 1 миллион сўмлик ёрдам оилаларда ҳам ҳеч қандай сарсонгарчилик, қийинчиликларга учрамадик. Бу маблағ коммунал тўловларини ўз вақтида тўлашимизга имкон беради. Инсон қадрини улуглайдиган давлатда яшаётганимдан жуда хурсандиман.

Холмурот АТАКЕЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Тахтаоташ тумани

Бир миллион сўм — бир қарашда оддий сумма. Аммо у рақам ортда инсон тақдирини, бир хонадоннинг иссиқлигини, бошларнинг юзидаги табассум, оилабоши кўнглидаги хотиржамлик бор. Буни ғамхўрликнинг энг жонли ифодаси, десак ҳам муболаға бўлмайди.

Ижтимоий сиёсатнинг гўзал жиҳати шундаки, у рақамларда эмас, балки инсон тақдирини акс этади. Қарорлар қозғоғда эмас, халқ ҳаётида аксланади. Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу қарор ҳам айнан шундай таъсир қилди — минглаб хонадонларга иссиқлик, умид ва ишонч улашди.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мулоҳаза

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугунги тез ўзгарувчан дунёда интеллектуал салоҳият, ижодий фикрлаш, замонавий касбий кўникмалар ва турли шароитларга осон мослаша олиш қобилияти энг муҳим стратегик ресурсга айланган. Бу эса, ўз навбатида, ҳар қандай давлат ва жамият олдига истеъдод эгаларини эрта аниқлаш, тўғри йўналтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш масаласини қўяди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Табийий бойликларга эга бўлмаган ёки уларнинг захираси чекланган мамлакатлар ҳам айна шу тамойилга асосланган сиёсат юритиш орқали дунё миқёсда эътиборли ўрин ва мавжга эга бўлаётганига мисоллар бисёр. Шу маънода, истеъдодлиларни тарбиялаш вазифаси таълим сифати, меҳнат бозори очиклиги, ҳуқуқий қаролат, жамиятдаги ижтимоий адолат, бошқарув тизими шифофлиги ва сиёсий маданият даражасини ҳам қамраб олади.

Ҳар қандай давлатнинг иқтидорли ёшлар, яъни потенциал юқори салоҳиятли кадрлар билан боғлиқ имкониятини баҳолашда фақат таълим муассасаларида берилаётган формал билимлар билан чекланиб бўлмайди. Болаликдан бошлаб шаклландиغان қизиқишлар, оила ва маҳалладаги тарбия муҳити, кинтобхонлик ва маданий ҳаёт даражаси, ёшлар ташаббуслари қўллаб-қувватланиши, эркин фикр ва танқидий мушоҳада учун яратилаётган имкониятлар ҳам мазкур салоҳиятнинг ажралмас қисмидир. Ҳуқуқий қаролатлар мустақкам бўлган, коррупцияга қарши амалий механизмлар ишлайдиган, фуқаролик жамияти институтлари фаол жамиятларда истеъдодли инсонлар ўзини ортиқча тўқисларсиз намоён қила олади. Бу эса, ўз навбатида, инновациялар, ишлаб чиқариш самарадорлиги, хизматлар



сифати, бошқарув маданияти, ҳатто, сиёсий тизимнинг очиклиги ва жавабгарлик даражасига ҳам таъсир кўрсатади.

Халқаро ташкилотлар ва илмий марказлар томонидан ишлаб чиқилаётган турли индекс ва рейтингларда айна мана шу мураккаб тизимни турли мезонлар асосида баҳолашга уриниш кузатилади. Асосида Global Talent Competitiveness Index (Глобал талант рақобатбардошлиги индекси) алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур индекс мамлакатларнинг иқтисодийларини тайёрлаш, жалб этиш, ривожлантириш ва сақлаб қолиш борасидаги салоҳиятини, шунингдек, ушбу салоҳиятнинг иқтисодий ва жамиятнинг реал натижаларида қандай асқ этётганини комплекс таҳлил қилишга интилади.

INSEAD ва Портуланс институти томонидан эълон қилинадиган ушбу рейтингнинг бу йилги натижаларига кўра, Ўзбекистон дунё миқёсида бир неча поғона юқорилаб, Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида биринчи ўринни эгаллагани қайд этилди. Шу билан бирга, тадқиқотда мамлакатлар даромад гуруҳлари бўйича ҳам таққосланган. Ушбу бўлимда Ўзбекистон “қуйи ўрта даромадли мамлакатлар” орасида пешқадам бўлиб турибди. Ҳўш, бу ўзи нимани аңглатади, шу каби кўрсаткичлар замирида нималар ётади, у нега муҳим?

ларни аниқлаш, ҳар бир бўлим бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш орқали давлат сиёсатини янада такомиллаштириш имконияти пайдо бўлади. Ушбу жараён ички илмий-тадқиқот марказлари, университетлар, мустакил таҳлил институтлари ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик учун ҳам янги майдон очади.

Яна бир муҳим жиҳат — институционал узлуқсизлик масаласи. Агар ҳар бир янги стратегия аввалги тажрибани инкор этган ҳолда янгидан ишлаб чиқилар, барқарор йўналиш, прогноз қилинадиган меҳнат бозори ва таълим тизими манзараси шаклланмайди. Бошқарув тизимида эса сиёсатнинг давомийлиги, ислохотлар изчиллиги, бошланган дастурларни охирига етказиш маданияти катта аҳамиятга эга. Талант рақобатбардошлиги учун ҳам айна шу сифатлар зарур. Мисол учун, ёш мутахассис, тадбиркор ёки илмий ходим келгуси беш-ўн йилда мамлакат қайси йўналишдан боришини

МАМЛАКАТ Салоҳиятини ИЧКАРИДАН МУСТАҚКАМЛОВЧИ ОМИЛ

Институтлар, масъулият ва стратегик нигоҳ

Глобал индексларда акс этадиган ҳар қандай ижобий силжиш ортида, биринчи навбатда, инсон ва жамият, инсон ва давлат муносабати каби мураккаб кўп қатламли жараёнларни мувозанатда сақлаган ҳолда ривожлантиришга хизмат қиладиган ўзига хос бошқарув маданияти туради. Талант рақобатбардошлиги ҳам оддий статистик кўрсаткичлар йиғиндиси эмас, балки давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, меҳнат бозори, ҳудудий ривожланиш, рақамли инфратузилма ва ҳатто оммавий онг даражасида шаклландиган мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг GTCI рейтингидagi бугунги позицияси мамлакатда кейинги йилларда йўлга қўйилаётган институционал ислохотлар самарадорлиги, давлат апаратининг ўзгаришларга мослаша олаётгани, турли вазирлик ва идоралар ўртасида иқтисодийларини қўллаб-қувватлашга қаратилган янги ҳамкорлик механизмлари пайдо бўлаётганидан дарак.

Бундан англашшадикки, замонавий бошқарув шароитида бундай сиёсат алоҳида дастур ёки идора ваколатига топириб қўйиладиган тор йўналиш эмас, аксинча, унга турли секторлар кесинмасида ишлайдиган мураккаб платформа сифатида қараш талаб этилади. Ушбу платформада иқтисодий аниқ тасаввур қила олса, ўз касбий фаолиятини шу ҳудуд билан боғлаш анча ишончли кечади.

Қарорлар оддий фуқарога қанчалик тез, аниқ ва тушунарли етиб бораётгани, ёшлар учун мўлжалланган грантлар, стипендиялар, стартап дастурлар, касбга йўналтирувчи тренинглари, қайта тайёрлаш курслари ҳақида ахборот қай даражада очик ва эркин тарқалаётгани ҳам сиёсатнинг реал таъсирини белгилайди. Маҳалла, мактаб, олий таълим муассасаси, бандлик маркази, бизнес инкубатор ва масъул идоралар ўртасида узлуқсиз ахборот алмашинуви бўлгандагина жараён қоғоздаги концепция босқичидан чиқиб, ҳаракатдаги механизмга айланади.

Малакали кадрлар ва сиёсий модернизация

Ҳар қандай жамият тарихида шундай даврлар бўлади: унда ташқи кўринишдаги ўзгаришлар ички мазмунга айланиши учун муайян пойдевор талаб қилинади. Бу пойдевор кўпинча иқтисодий тикланиш, инфратузилма янгиланиши ёки институционал ислохотлар кўринишида намоён бўлади. Аммо асл ўзгаришларнинг илдири жамиятнинг онг қатламида, меҳнат маданиятида, касбий масъулият даражасида ва билимни ўзлаштиришга тайёрлигида шаклланади. Истеъдодлиларни тайёрлаш сиёсати айна мана шу чуқур қатламларда юзага келади жараён сифатида баҳолалиши лозим.

Айна вақтда жамият психологиясидаги ўзгариш ҳам эътиборга молик. У орқали инсоннинг ўз меҳнатига муносабати, касб танлашдаги мезонлар, келажак стратегиясини белгилашдаги қарорлар ўзгаради. Ёшлар орасида касбий ўсишга интилиш кучайгани, институтларро ҳаракатчанлик ортиб, хорижий илмий тажрибага қизиқиш ўсаятгани бунинг тасдиғидир. Демак, шундай шароитда талантнинг динамикаси жамиятнинг ўзи учун янги фикрий контур яратди.

Шунингдек, таълим тизими ва технологик тараққиёт параллел ривожланиб бораётганини таъкидлаш керак. Сунъий интеллект, аналитика, автоматлаштириш, рақамли бошқарув тизимлари турли касбларга янги вазифалар юқлапти. Энди муҳандис, шифокор, агроном, журналист, иқтисодчи ёки педагог ўз соҳасида муваффақиятга эришиши учун алоҳида касбий билим билан чекланмай, технологиялар билан ишлаши ҳам чуқур ўзлаштириши талаб этилади. Бундай талаб меҳнат бозорининг ички тузилишини янгилайди, малака даражалари ўртасида янги табақаланиш пайдо қилади ва адаптивликнинг аҳамиятини кескин оширади.

Глобал компетенциялар масаласи ҳам борада муҳим. Ҳўмладан, ҳозирдаёқ кўп-лаб соҳа мутахассислари халқаро метёрлар, хорижий тиллар, маданиятларро мулоқот, трансмиллий стандартлар билан ишлашига тўғри келяпти. Негаки миграциянинг замонавий кўриниши “иш излаб кетиш” тушунчасидан анча кенг. Ҳозир меҳнат миграцияси билим, кўникма ва технология алмашинуви шаклида юзага келяпти. Илмий ва касбий тажриба турли мамлакатларда, турли институтларда тўпланади. Шундан сўнг у қайта ишланган билим сифатида яна ўз манбаига қайтади. Бундай жараён мамлакат учун нафақат иқтисодий дивиденд, балки ижтимоий, технологик ва маданий натижа ҳам беради.

Инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган маънавий сиёсат мамлакат потенциалини ичкаридан мустақкамловчи асосий омилга айланиб улгурган. Меҳнат бозори таркиби, таълимнинг янгиланиши, технология жараёнлар ва бошқарув маданиятининг ўзгариши бир йўналишга — истеъдодли ёшлар учун барқарор имконият яратишга хизмат қилиши зарур. Шу уйғунлик бўлганина салоҳиятли кадрлар авлоди шаклланади. Жамиятдаги профессионал қатлам кенгайди ва ислохотлар натижаси тезлашади.



АДАПТИВ СПОРТ — ТЕНГЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Президентимизнинг 2021 йил 18 майдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, юртимизда паралимпия ҳаракатини оммалаштиришга қаратилган вазифалар белгиланиб, спорт таълим муассасаларида босқичма-босқич параспорт гуруҳлари ташкил этилди. Натижада паралимпия ва парасиёй ўйинлари, жаҳон ҳамда қитъа чемпионатларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган иқтидорли спортчилар сафида янги истеъдод эгалари етишиб чиқа бошлади. Биргина мисол, “Париж — 2024” XVII ёзги паралимпия ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари салмоқли ютуқларни қўлга киритди.



имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида 411 та умумтаълим мактабиди 754 та инклюзив спорт гуруҳлари ташкил этилиб, уларга 4749 нафар ногиронлиги бўлган болалар жалб этилган.

Айниқса, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфидagi алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 90 та таълим муассасаси ҳамда 29 та “Мурувват” интернат уйига замонавий спорт жиҳозлари ажратилиши, шунингдек, ушбу муассасаларда адаптив спорт турлари бўйича тренер штатлари жорий этилгани бугун катта амалий аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, махсус тайёрланган мураббийларнинг жалб қилиниши машғулотлар сифати ва самарадорлигини ошириб, адаптив спорт йўналишларининг жойларда тизимли йўлга қўйилишига хизмат қилмоқда. Натижада мазкур соҳадаги ишлар

“

Ўзбекистоннинг ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб қилиш йўлидаги сиёсати нафақат ижтимоий адолат ва инклюзивликни таъминлашга қаратилган ташаббус, балки саломатлик, жисмоний фаоллик ва реабилитация соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган стратегик ислохотлардир.

тиш билан бирга, имкониятларини намоён этишга замин яратди.

Юртимизда аънамага айланиб улгурган оммавий югуриш марафонлари жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш билан бирга, жамиятда инклюзивлик руҳини мустақкамлашга ҳам хизмат қила болади. Барча ҳудудда “Инсон учун” шiori остида ташкил этилган югуриш марафонлари ҳар бир фуқаро, айниқса, ногиронлиги борлар учун спорт орқали ўзини намоён қилиш, жамоа ичида фаол иштирок этиш ва бирлашиш имконини берди.

Соҳани ривожлантириш спортга қизиқувчилар сонини ошириш баробарида малакали тренер ва мутахассисларга талаб ошишига ҳам сабаб бўлди. Шунинг учун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига адаптив жисмоний тарбия ва пара спорт факультети очилди. Шунингдек, 2025 йилдан бошлаб Адаптив спорт турлари ассоциацияси таркибида Адаптив жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолият бошлади. Жорий йилнинг ўзида 47 та адаптив спорт тури бўйича 1145 тренерга малака сертификати топирилди.

“

Спорт соҳасини рақамлаштириш доирасида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, маълумотлар айланишини шаффофлаштириш ҳамда бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида Спорт вазирлиги тизимида “ERP Sport” ягона электрон бошқарув тизими жорий этилди. Ушбу платформа спорт ташкилотлари фаолиятини автоматлаштириш, молия, кадрлар, инфратузилма, спортчиларнинг натижалари ва ўқув-машғулотлар жараёнини рақамли юритиш имконини берди.

Йил бошидан буён 254 та спорт мактабиди 337 тренер 554 та адаптив спорт гуруҳи ташкил этилиб, ушбу гуруҳларга ногиронлиги бўлган 5623 шахс қамраб олинган. Шу билан бирга, инклюзив таълим ва спорт

қамрови кенгайиб, спорт орқали инклюзив таълим ва ижтимоий реабилитация жараёни янада кучаймоқда.

Келгусида мазкур таълим муассасаларининг спорт инфратузилмасини янада мустақкамлаш мақсадида тўлиқ хатловдан ўтказилиб, 2025-2026 йилларга мўлжалланган қурилиш-таъмирлаш бўйича алоҳида ҳукумат дастури ишлаб чиқилди.

Жорий йилдан бошлаб илк маротаба сурдлимпия, махсус олимпия ва халқаро кўзи оқизлар спорт ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича чемпионатлари ўтказиш йўлга қўйилди. Бу эса имконияти чекланган спортчилар учун мамлакат миқёсида тенг имкониятлар яратиш, уларнинг маҳоратини ошириш ва халқаро мусобақаларга пухта тайёрлашга муҳим қadam бўлди. Айниқса, ушбу мусобақаларнинг миллий календарь режага киритилиши адаптив спорт турларини оммалаштириш, спортчиларни саралаш ва тайёрлаш жараёнини янги босқичга олиб чиқди.

Умуман олганда, республика даражасидаги чемпионатларнинг йўлга қўйилиши, терма жамоаларимизнинг халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиши ва спорт инфратузилмаси кенгайиши мамлакатимизда адаптив спортни ривожлантириш борасидаги тизимли ислохотларнинг амалдаги самарасидир.

Сурдлимпия терма жамоамиз Японияда бўлиб ўтган XXV сурдлимпия ўйинларида иштирок этди. Терма жамоамизнинг ушбу нуфузли мусобақада қатнашгани ва тарихий натижа (1 олтин, 4 кумуш ва 4 бронза медал) қайд этгани мамлакатимизда нуфузли жаҳон аренасида яна бир бор кўтариш баробарида эшитиш қобилияти чекланган спортчиларимиз салоҳияти юқори эканини ҳам кўрсатди. Вакилларимизнинг халқаро даражада тажриба тўплаши, рақобатбардошлигини ошириши ва келгуси мусобақаларга асосли тайёргарлик кўриши учун бу катта имконият бўлди.

Халқаро алоқаларини янада мустақкамлаш мақсадида Халқаро кўзи оқизлар спорт федерацияси, Жаҳон пара энгиз атлетика федерацияси, Польша, Эрон, Корея Республикаси, Хитой, Туркия, Беларусь паралимпия қўмиталари, Россиянинг Миллий давлат жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университети билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Ўзбекистоннинг ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб қилиш йўлидаги сиёсати нафақат ижтимоий адолат ва инклюзивликни таъминлашга қаратилган ташаббус, балки саломатлик, жисмоний фаоллик ва реабилитация соҳасини жадал ривожлантиришга йўналтирилган стратегик ислохотлардир.

